

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 29 Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ–2085-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартибини кенг тушунтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 15 январь,  
5-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 15 январдаги 5-сон қарорига  
ИЛОВА

### Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

#### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом нодавлат нотижорат ташкилотларини, уларнинг юридик шахс ҳисобланган алоҳида бўлинмаларини, халқаро ва хорижий нодав-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.*

лат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини (кейинги ўринларда ННТ деб аталади) ихтиёрий ҳамда мажбурий тугатиш, шунингдек ННТларнинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмаларини ёпиш тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг қоидалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган банкротлик белгиларига эга бўлган ННТларни тугатишда қўлланмайди.

2. ННТни ихтиёрий тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан, мажбурий тугатиш эса — суд қарори асосида амалга оширилади.

Жамоат фондларини ихтиёрий тугатиш манфаатдор шахснинг аризаси асосида, суднинг қарорига биноан, мазкур Низом II бўлимининг тегишли бандларида кўрсатилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

3. Айрим ННТлар учун қонун ҳужжатларида уларни тугатишнинг мазкур Низомда назарда тутилмаган бошқача хусусиятлари ва шартлари белгиланиши мумкин.

## II. ННТни ихтиёрий тугатиш

4. ННТни ихтиёрий тугатиш мазкур Низомнинг I-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

5. ННТни ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор унинг таъсис ҳужжатларида шунга ваколат берилган юқори органи томонидан қабул қилинади. Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

тугатиш комиссияси таркиби (агар тугатиш комиссияси ННТнинг муассислари (қатнашчилари) томонидан тайинланса, у ҳолда қарорда бу ҳақда кўрсатилади);

ННТнинг мавжуд алоҳида бўлинмалари рўйхати (юридик шахс ҳисобланган ва юридик шахс ҳисобланмаган бўлинмаларни алоҳида кўрсатган ҳолда);

агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ алоҳида бўлинмаларни тугатиш ишлари уларнинг раҳбар органлари зиммасига юкланган бўлса, алоҳида бўлинмага ўз фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш ишларини бошлаш ҳақидаги кўрсатма;

тугатишнинг мўлжалланаётган муддати;

кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қоладиган мол-мулкнинг тақдири (унда ННТнинг уставда белгиланган асосий мақсадлари ва вазифалари учун фойдаланиш усули ва (ёки) ушбу мол-мулкни хайрия сифатида олувчилар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар).

ННТни тугатиш комиссияси таркибига, қоидага кўра, тегишли юридик, иқтисодий маълумотга ва (ёки) бухгалтерия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган шахслар киритилади.

Тугатиш комиссияси таркибига тегишли давлат органлари розилиги билан уларнинг мутахассислари ҳам киритилиши мумкин.

6. Тугатиш комиссияси таркиби ҳақидаги маълумотлар (комиссия аъзоларининг Ф.И.О., яшаш жойи, асосий иш жойи ва лавозими, телефон ра-

қамлари), шунингдек ННТни тугатиш ҳақида унинг юқори органи томонидан қабул қилинган қарори уч иш куни мобайнида ННТни рўйхатдан ўтказган адлия органига (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказувчи орган деб аталади) тақдим этилади.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ҳисобланган бўлинмани тугатиш учун алоҳида тугатиш комиссияси тузиш талаб этилмаса, асосий ташкилот томонидан тайинланган ягона тугатиш комиссияси ҳақидаги маълумотлар, унинг таркиби мазкур Низомнинг 7-бандида белгиланган тартибда келишилгандан сўнг алоҳида бўлинмани рўйхатдан ўтказган органга тақдим этилади.

Халқаро ва хорижий ННТлар ваколатхоналари ва филиалларини тугатиш ҳақида асосий ташкилотнинг марказий органи томонидан қабул қилинган қарори белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган кундан бошлаб 15 кун мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этилади.

7. Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатиш комиссияси таркибига нисбатан эътирози бўлмаса, тугатиш комиссияси таркиби ҳақидаги маълумотлар ҳамда ННТни тугатиш тўғрисидаги қарорни олгандан сўнг икки иш куни мобайнида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ННТнинг тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг (кейинги ўринларда Суд департаменти деб аталади) туман (шаҳар) бўлимини хабардор қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган тугатиш комиссияси таркибига нисбатан эътирози бўлса, асослантилган эътирози ва таклифларини мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган муддатда ННТнинг юқори органи номига ёзма равишда маълум қилади. Эътироз ва таклифлар ушбу муддатда тақдим этилмаган тақдирда тугатиш комиссияси таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилган ҳисобланади.

Тугатиш комиссияси таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилган вақтдан бошлаб ННТни бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. ННТнинг муассислари (қатнашчилари) ва (ёки) раҳбар органи аъзолари уч иш куни мобайнида ННТ фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек ННТнинг муҳр ва штамплари ҳамда бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича тугатиш комиссиясига топширишлари шарт.

8. Тугатиш комиссияси:

а) тугатиш ишларини амалга оширади ва ННТнинг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари), раҳбар органлари аъзолари ёки бошқа ходимлари манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;

б) ННТ қарздор сифатида иштирок этадиган ижро ҳужжатларининг ижросини тугатиш тартиботи доирасида таъминлайди;

в) ишончномасиз ННТ номидан вакиллик қилади, ННТнинг молиявий, тўлов-ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларини имзолайди;

г) ННТнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаради;

д) мазкур Низомда ўз ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилади.

9. Тугатиш комиссияси мажлисларини ўтказишни унинг раиси ташкил қилади. Мажлисда барча масалалар овоз бериш йўли билан ҳал этилади ва комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда тугатиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

10. Тугатиш комиссиясининг ваколатлари қуйидаги ҳолатларда тўхта-тилади:

а) тугатиш ишлари ниҳоясига етганда — рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ННТни тугатиш тўғрисида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилганда;

б) ННТ фаолияти тикланганда — тугатиш ишлари тўхтатилганлиги ва ННТ фаолияти тикланганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганда;

в) ННТ банкрот деб эътироф этилганда — ННТ банкрот деб эътироф этилганлиги ва тугатиш ишлари бошланганлиги тўғрисида суд қарори қабул қилинганда;

г) янги тугатиш комиссияси тайинланганда — янги тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинганда. Ушбу ҳолатда ННТнинг барча ҳужжатлари, муҳрлари, штаплари ва бошқа мол-мулки янгидан тайинланган тугатиш комиссиясига икки кун муддат мобайнида рўйхат бўйича топширилади.

11. Тугатиш комиссияси, унинг таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан сўнг уч кун муддат мобайнида:

а) ННТнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига (кейинги ўринларда асосий ҳисобварақ деб аталади) хизмат кўрсатувчи банкка ва ННТнинг хорижий валютадаги маблағлари жамланадиган ваколатли банкка ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарор нусхасини ҳамда тугатиш комиссияси раиси имзосининг намунаси қўйилган варақчани;

б) ННТнинг миллий валютадаги иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига, жамғарма депозит ҳисобварақларига ва муддатли депозит ҳисобварақларига, шунингдек юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмаларнинг депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини ННТнинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани;

в) ННТнинг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақлари очилган банкларга — уларни ёпиш ҳамда маблағларнинг мавжуд қолдиқларини ННТнинг миллий валютадаги асосий ҳисобварағи очилган жойдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар унинг асосий ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк ҳисобланмаса, бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги ариза-топшириқномани жўнатади.

12. Банкнинг ҳужжатларни қабул қилиб олган сана тўғрисидаги белгиси, уларнинг тугатиш комиссиясига ёзма ёки электрон хабари, ҳужжатлар банкка юборилгани ҳақидаги почта квитанцияси ва шу кабилар мазкур ҳужжатлар олинганлигининг тасдиғи ҳисобланади.

13. ННТни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақида:

а) рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санадан бошлаб:

ННТнинг, шунингдек унинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмаларининг фаолияти тўхтатиб қўйилади;

кредиторлар талабларини таъминлаш бўйича илгари қўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади;

ННТнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади;

мол-мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган ёхуд мол-мулкни учинчи шахсларга фойдаланиш учун беришга сабаб бўладиган битимларни фақат мазкур Низомда назарда тутилган тартибда амалга оширишга йўл қўйилади;

барча мажбуриятларни, шунингдек муддати кечиктирилган мажбурий тўловларни бажариш муддати бошланган ҳисобланади;

б) ННТга хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб:

ННТнинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларидан маблағларни ҳисобдан чиқаришга фақат тугатиш комиссиясининг топшириғига биноан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади;

2-сон картотеканинг амал қилиши тўхтатиб қўйилади;

ННТнинг миллий валютадаги иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларига, юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмаларнинг депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан мазкур ҳисобварақлар ёпилади, улардаги қолдиқ маблағлар эса тўлов топшириқномаси асосида ННТнинг асосий ҳисобварағига ўтказилади;

хорижий валютадаги иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи банклар томонидан тугатиш комиссиясининг ариза-топшириқномаси асосида мазкур ҳисобварақлар ёпилади ҳамда улардаги қолдиқ маблағлар миллий валютадаги асосий ҳисобварақ очилган банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, агар асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банк ваколатли банк бўлмаса, унда бошқа ваколатли банкдаги хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ўтказилади.

14. Тугатиш комиссияси (унинг таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилгандан кейин):

а) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ННТ ходимлари билан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тўхтатиш, шунингдек юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмаларни ёпиш чора-тадбирларини кўради;

б) ННТнинг активлари ва мажбуриятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хатловдан ўтказиши, шу жумладан ННТ қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари реестрини тузади;

в) йил бошидан бошлаб ННТни тугатиш тўғрисида рўйхатдан ўтказувчи орган хабардор қилинган санагача бўлган даврда ННТ томонидан тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тузади;

г) ННТнинг дебиторлик қарзларини ундириш, кредиторларни аниқлаш ва уларни тасдиқнома олган ҳолда (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта қвитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу кабилар) ННТнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради;

д) бир ёки бир неча даврий босма нашрларда ННТнинг тугатилиши тўғрисида эълон берилишини ташкил қилади. Эълонда қуйидагилар кўрсатилади:

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари);

ННТнинг жойлашган ери (почта манзили), солиқ тўловчининг идентификация рақами;

рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили);

ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами);

кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати. Ушбу муддат кўрсатиб ўтилган эълон чиққан вақтдан бошлаб икки ойдан кам бўлмаслиги керак.

15. Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлими рўйхатдан ўтказувчи органнинг билдиришномасини олган кундан кейин ўн кундан кечиктирмай иш юритувида тугатилаётган ННТ қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатининг мавжудлигини белгиланган тартибда аниқлаштиради. Тегишли ижро ҳужжати мавжуд бўлса, суд ижрочиси ижро иши юритишни қонунда белгиланган тартибда тамомлайди ва тугатиш тартиботи доирасида ижро этиш учун тугатиш комиссиясига юборади.

16. ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органи рўйхатдан ўтказувчи органнинг билдиришномаси олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида ННТ фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади, унинг муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак.

17. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач ва давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Оралиқ тугатиш баланси ННТнинг юқори органи томонидан тасдиқланади.

18. Тугатиш комиссияси оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин беш иш куни мобайнида, тасдиқномани (қабул қилиб олинган санаси тўғрисидаги белги, почта қвитанцияси, ёзма ёки электрон хабар ва шу каби-

ларни) олган ҳолда ҳар қайси кредиторни унинг талаблари эътироф этилгани ёки рад қилингани, эътироф этилган талаблар суммаси ҳақида ёзма равишда хабардор қилади.

19. Оралиқ тугатиш балансига мувофиқ, у тасдиқланган кундан бошлаб тугатиш комиссияси томонидан кредиторларга қуйидаги навбат бўйича пул суммаларини тўлаш амалга оширилади:

биринчи навбатда — фуқароларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган, алиментларни ундиришга ва муаллифлик шартномалари бўйича пул тўловларига доир талабларини, шунингдек фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун ННТ тегишли вақтбай тўловларни соқит қилиш йўли билан жавоб берадиган талабларини қондириш;

иккинчи навбатда — Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар;

учинчи навбатда — бошқа кредиторларнинг талаблари (календарь бўйича навбатли тартибда).

20. Кредиторларнинг гаров (ипотека) билан таъминланган талабларини қондириш ННТнинг (жамоат фондлари бундан мустасно) гаровга қўйилган мол-мулкни (гаров предметини) белгиланган тартибда сотишдан кейин тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Ушбу маблағлар қолдиғи кредиторлар талабларини мазкур Низомнинг 19-бандида белгиланган навбат бўйича қондириш учун йўналтирилади.

Агар гаров (ипотека) предметини сотишдан тушган сумма кредиторларнинг гаров билан таъминланган талабларини тўлиқ қондириш учун етарли бўлмаса, у ҳолда талабларнинг қолган қисми ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган навбат бўйича қондирилади.

21. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда тугатиш комиссияси томонидан ННТ мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун баҳоловчи ташкилот жалб этилади ва мазкур мол-мулкни очиқ савдоларда сотиш ташкил этилади.

Муомалада чекланган мол-мулкни сотиш ёпиқ савдоларда, қонунчиликка мувофиқ кўрсатиб ўтилган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган шахслар иштирокида амалга оширилади.

Савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулк кредиторларга баҳолаш қиймати бўйича, мазкур Низомнинг 19-бандида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилиш таклиф этилиши керак.

22. Кредиторлар талабларини қондириш ННТнинг муассислари (қатнашчилари) ҳамда бошқа шахслар томонидан тугатилаётган ННТнинг банкдаги ҳисобварақларига йўналтириладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

23. Кредиторларнинг талабларини тўлиқ ҳажмда қондиришнинг мумкин эмаслиги аниқланган тақдирда тугатиш комиссияси ННТни банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши шарт. ННТ банкрот деб эътироф этилган вақтдан бошлаб ихтиёрий туга-

тиш тўхтатилади ва бундан кейинги тартибот банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24. Кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин ННТнинг мол-мулки ортиб қолган ҳолларда, тугатиш комиссияси томонидан улар ННТни тугатиш тўғрисидаги юқори орган қароридан кўрсатилган усулларда ва йўналишларда фойдаланилади ва (ёки) хайрия қилинади.

Агар ортиб қолган мол-мулкни ННТнинг мақсадлари учун фойдаланишнинг имкони бўлмаса, ННТнинг асосий мақсадига ўхшаш соҳаларда вазифаларни амалга оширувчи нотижорат ташкилотларга мулк қилиб берилиши мумкин.

Барча ҳолларда мол-мулкнинг тасарруф этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Ортиб қолган мол-мулкнинг ННТ муассислари (қатнашчилари), раҳбар органи аъзолари ёки бошқа ходимлари ўртасида тақсимланишига йўл қўйилмайди.

25. Тугатиш комиссияси:

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан, шунингдек ННТ қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари амалда ижро этилгандан;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, молиявий санкциялар суммаси, шу жумладан текширишлар яқунлари бўйича тўлангандан;

кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин қолган мол-мулк белгиланган тартибда тасарруф этилгандан сўнг тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

26. Тугатиш баланси ННТнинг юқори органи томонидан тасдиқланади ва давлат солиқ хизмати органига топширилади. Айни пайтда, тугатиш комиссияси тугатилаётган ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжатларининг Суд департаментининг органлари иш юритувида мавжудлиги юзасидан Суд департаменти ҳудудий бошқармасига сўров юборади.

Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи, ННТнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, бу ҳақда бир иш куни мобайнида тугатиш комиссиясига тегишли хулоса бериши шарт. Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати унинг иш юритувида мавжуд бўлмаган тақдирда, бу тўғрида тугатиш комиссиясига уч иш куни мобайнида ёзма жавоб юбориши шарт.

27. Давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги хулосаси олингандан, шунингдек ижро этилмаган тегишли ижро ҳужжати иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақидаги Суд департаменти ҳудудий бошқармасининг ёзма жавоби олингандан кейин, тугатиш комиссияси ННТнинг асосий ҳисобварағи очилган банкка ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги ариза-топшириқнома билан мурожаат қилади. Банк бир иш куни мобайнида ННТга тегишли бўлган ҳисобварақни



ёпади ва тугатиш комиссиясига асосий ҳисобварақ ёпилгани тўғрисида хулоса беради.

28. Агар ННТнинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлса, уларнинг ёпилганлиги ҳақида реестрга ёзув киритиш учун тугатиш комиссияси асосий ҳисобварақ ёпилгандан кейин уч иш куни мобайнида тегишли адлия органларига хатлар юборади.

Хатда алоҳида бўлинманинг учинчи шахслар олдида мажбурияти йўқлиги кафолатланиши ҳақида кўрсатилади ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида бўлинмасини ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси илова қилинади.

Хатни олган адлия органи уч иш куни мобайнида алоҳида бўлинма ёпилганлиги муносабати билан Юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритади ва бу ҳақда икки иш куни мобайнида тугатиш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилади.

29. Тугатиш комиссияси асосий ҳисобварақ ёпилгандан кейин, ННТнинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлган тақдирда эса — уларнинг реестрдан чиқарилганлиги ҳақидаги тегишли адлия органларининг хабарномаларини олгандан кейин уч иш куни мобайнида, қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни давлат архивига, шунингдек муҳр ва штампларни йўқ қилиш учун ички ишлар органига топширади.

Агар ННТ юридик шахс ҳисобланган алоҳида бўлинмаларга эга бўлса, уларни тугатиш ишлари якунланиб, алоҳида бўлинмаларни давлат реестридан чиқарилганлиги ҳақида ушбу Низомнинг 32-бандида белгиланган тартибда адлия органларининг берган хабарномалари тугатиш комиссияси томонидан олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида тегишли ҳужжатлар давлат архивига, муҳр ва штамплар эса — ички ишлар органига топширилади.

30. Тугатиш комиссияси ННТ тугатилганлиги тўғрисида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ёзув киритиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ННТни тугатиш тўғрисидаги ёзувни давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза;

бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан ННТнинг тугатилганлиги тўғрисидаги эълон;

ННТнинг устави (низоми) ва нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхалари;

белгиланган тартибда тасдиқланган тугатиш баланси;

ННТнинг барча ҳисобварақлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномалари;

агар ННТнинг алоҳида бўлинмалари мавжуд бўлса, уларнинг тегишли реестрлардан чиқарилганлиги ҳақида адлия органларининг хабарномалари;

кредиторларнинг талаблари тўлиқ кондирилгандан кейин ортиб қолган мол-мулкнинг тасарруф этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар;

муҳр ва штамплар йўқ қилинганлиги ҳақида ички ишлар органининг маълумотномаси;

агар мавжуд бўлса, барча лицензиялар ва рухсатномаларнинг, шунингдек ННТ рамзи давлат рўйхатига олинганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг асл нусхалари;

давлат солиқ хизмати органининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги хулосаси;

тугатилаётган ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати мавжуд эмаслиги ҳақида Суд департаменти ҳудудий бошқармасининг ёзма жавоби;

ННТ ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

31. Рўйхатдан ўтказувчи орган мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган барча ҳужжатлар олингандан кейин беш иш куни мобайнида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ННТ тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади.

Агар ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим этилмаса ёки улар зарур тартибда расмийлаштирилмаган бўлса, шунингдек тақдим этилган ҳужжатларда атайин нотўғри маълумот келтирилганлиги ёхуд ННТни тугатишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилганлиги аниқланса давлат реестрига ёзувлар киритилиши рад этилиши мумкин.

Давлат реестрига ёзув киритиш рад этилган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилган хатни тугатиш комиссиясига беради ҳамда олинган барча ҳужжатларни қайтаради.

Давлат реестрига ёзув киритиш ҳақидаги қарор рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг буйруғи шаклида расмийлаштирилади.

32. Рўйхатдан ўтказувчи орган давлат реестрига ННТ тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувлар киритилгандан кейин икки иш куни мобайнида:

ННТ тугатилганлиги тўғрисида тугатиш комиссиясини, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини белгиланган тартибда хабардор қилади;

ННТга берилган лицензия ва рухсатномаларни (улар мавжуд бўлган тақдирда) уларни берган органларга топширади.

### **III. Нодавлат нотижорат ташкилотларини мажбурий тугатиш**

33. ННТни мажбурий тугатиш мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

34. ННТни мажбурий тугатиш тўғрисидаги қарор қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларда суд томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 54-моддасига мувофиқ, тугатиш комиссияси рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда суд томонидан тайинланади.

35. Тугатиш комиссияси суднинг қарорини олгандан кейин уч иш куни мобайнида унинг нусхасини рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ННТни тугатиш тўғрисидаги суд қарори нусхасини олгандан сўнг икки иш куни мобайнида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ННТнинг тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, шунингдек Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимини хабардор қилади.

36. Суднинг қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ННТни бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади. ННТнинг муассислари (қатнашчилари) ва (ёки) раҳбар органи аъзолари уч иш куни мобайнида ННТ фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек ННТнинг муҳр ва штампларини ҳамда бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича тугатиш комиссиясига топширишлари шарт.

37. Тугатиш ишлари мазкур Низомнинг 8 — 22-бандларида назарда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Бунда оралиқ тугатиш баланси тугатиш комиссияси томонидан ННТни рўйхатга олган орган билан келишилгандан сўнг тасдиқланади. Оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини қабул қилиб олган рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бир ҳафта муддат мобайнида ёзма эътироз берилмаган тақдирда оралиқ тугатиш баланси келишилган ҳисобланади.

38. Кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин ННТнинг мол-мулки ортиб қолган ҳолларда, тугатиш комиссияси улардан ННТни тугатиш тўғрисидаги суднинг қароридан кўрсатилган йўналишлар учун фойдаланилади. Бунда мол-мулкнинг тасарруф этилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Агар ННТни тугатиш тўғрисидаги суднинг қароридан мол-мулк тақдири ҳал этилмаган бўлса, тугатиш комиссияси кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин беш иш куни мобайнида ортиб қолган мол-мулкнинг тақдирини ҳал қилиш юзасидан судга ариза билан мурожаат қилади.

39. Тугатиш комиссияси:

кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан, шунингдек ННТ қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатлари амалда ижро этилгандан;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, молиявий санкциялар суммаси, шу жумладан текширишлар якунлари бўйича тўлангандан;

кредиторларнинг талаблари тўлиқ қондирилгандан кейин қолган мол-мулкдан суднинг қароридан кўрсатилган йўналишлар учун фойдаланилгандан кейин тугатиш баланси лойиҳасини тузади.

Тугатиш баланси ННТни рўйхатга олган орган билан келишилгандан сўнг тугатиш комиссияси томонидан тасдиқланади. Тугатиш баланси лойиҳасини олган рўйхатга олувчи орган томонидан бир ҳафта муддат мобайнида ёзма эътироз берилмаган тақдирда тугатиш баланси келишилган ҳисобланади.

40. Тугатиш баланси тасдиқлангандан сўнг давлат солиқ хизмати орга-

нига топширилади. Айни пайтда, тугатиш комиссияси тугатилаётган ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжатларининг мавжудлиги юзасидан Суд департаменти ҳудудий бошқармасига сўровнома юборади.

Тугатиш баланси қабул қилингандан кейин давлат солиқ хизмати органи, ННТнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи бўлмаган тақдирда, бир иш куни мобайнида тугатиш комиссиясига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисида хулоса бериши шарт. Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси, ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати унинг иш юритишида мавжуд бўлмаган тақдирда, бу ҳақда тугатиш комиссиясига уч иш куни мобайнида ёзма жавоб бериши шарт.

41. ННТни тугатишнинг кейинги жараёнлари ҳамда ННТ тугатилганлиги тўғрисида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритиш мазкур Низомнинг 27 — 32-бандларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

#### IV. Яқунловчи қоидалар

42. ННТнинг тугатилганлиги ҳақида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ёзув киритилишидан олдин ихтиёрий тугатишнинг бошқа ҳар қандай босқичида ННТнинг ваколатли юқори органи томонидан фаолиятни тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин.

43. ННТни ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб етти ойдан ошмаслиги керак.

Агар кўрсатилган муддат мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга мазкур Низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилмаса ёки ННТнинг ваколатли юқори органи томонидан фаолиятни тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинмаса рўйхатдан ўтказувчи орган тугатиш комиссиясига тақдимнома киритади.

Агар тақдимномада кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган айбдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллайди ва ННТни мажбурий тугатиш чораларини кўриб чиқади.

44. ННТ муассислари (қатнашчилари), раҳбар органи аъзолари ёки бошқа ходимлари ҳамда тугатиш комиссияси аъзолари ўзлари тайёрлаган ҳужжатларнинг тўғрилиги ва қонунчиликка мувофиқлиги учун жавоб берадилар.

45. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар, шу жумладан ўзларига юкланган вазифаларни бажармаганлик ёки зарур даражада бажармаганлик натижасида кредиторларга, муассисларга (қатнашчиларга), раҳбар орган аъзоларига ёки учинчи шахсларга етказилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Нодавлат нотижорат ташкилотларини ихтиёрий тугатиш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	ННТнинг ваколатли юқори органи	<p>1) Тугатиш комиссиясини тайинлайди (тугатиш комиссияси ННТ муассислари (қатнашчилари) томонидан тайинланиши бундан мустасно).</p> <p>2) Алоҳида бўлинмаларга ўз фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш ишларини бошлаш ҳақида кўрсатма беради, агар таъсис ҳужжатларида алоҳида бўлинмаларни тугатиш ишлари уларнинг раҳбар органлари зиммасига юкланган бўлса.</p> <p>3) Тугатишнинг режалаштирилаётган муддатини белгилайди.</p> <p>4) Кредиторларнинг талаблари қондрилгандан кейин қоладиган мол-мулкнинг тақдирини белгилайди.</p> <p>5) Тугатиш комиссияси таркиби ҳақидаги маълумотни ҳамда тугатиш ҳақидаги ННТ юқори органи қарорини рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этади.</p>	<p>1 — 4) Ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб.</p> <p>5) Қарор қабул қилингандан кейин 3 иш куни мобайнида Халқаро ҳамда чет эл ННТнинг марказий органи қабул қилган қарори легаллаштирилган ёки апостиль қўйилгандан сўнг 15 кун мобайнида.</p>
2-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	<p>1) Тугатиш комиссияси таркибига нисбатан эътирози бўлмаса, давлат реестрига ННТнинг тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу ҳақда давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, Суд департаменти бўлимини хабардор қилади.</p> <p>2) Агар тугатиш комиссиясига нисбатан эътироз мавжуд бўлса, бу ҳақда ННТнинг юқори органига маълум қилади.</p>	<p>1-2) Ҳужжатлар келиб тушган кундан сўнг 2 иш куни мобайнида.</p>
3-босқич	<p>ННТ муассис (қатнашчи)лари ва раҳбар органи аъзолари</p> <p>Тугатиш комиссияси</p>	<p>1) ННТ фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек ННТнинг муҳр ва штамплари ҳамда бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича тугатиш комиссиясига топширади.</p> <p>2) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандида кўрсатилган тугатиш жараёни ишларини амалга оширишга киришади.</p> <p>3) Хизмат кўрсатувчи банкларга тугатиш ҳақидаги қарор нусхасини ҳамда тегишли ариза-топшириқномаларни жўнатади.</p>	<p>1) Тугатиш комиссиясининг таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида.</p> <p>2) Тугатиш комиссияси таркиби келишилган кундан бошлаб.</p> <p>3) Тугатиш комиссияси таркиби келишилгандан сўнг 3 кун муддат мобайнида.</p>

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
4-босқич	<p>Хизмат кўрсатувчи банклар</p> <p>Суд департаменти туман (шаҳар) бўлими</p> <p>Давлат солиқ хизмати органи</p>	<p>1) 2-сон картотека амал қилишини тўхтатадилар.</p> <p>2) ННТнинг миллий ва хорижий валютадаги иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини, юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлимларнинг ҳисобварақларини ёпадилар ва улардаги қолдиқларни асосий ҳисобвараққа ўтказадилар.</p> <p>3) Иш юритувида тугатилаётган ННТ қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатининг мавжудлигини аниқлаштиради. Тегшли ижро ҳужжати мавжуд бўлса, унинг бўйича ижро иши юритишни қонунда белгиланган тартибда тамомлайди ва тугатиш тартиботи доирасида ижро этиш учун тугатиш комиссиясига юборади.</p> <p>4) ННТ фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади.</p>	<p>1-2) Хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб 1 иш куни мобайнида.</p> <p>3) Рўйхатдан ўтказувчи органнинг билдиришномаси олинган кундан кейин 10 кун мобайнида.</p> <p>4) Рўйхатдан ўтказувчи органнинг билдиришномаси олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида (тафтиш муддати 30 календарь кундан ошмайди).</p>
5-босқич	Тугатиш комиссияси	Давлат солиқ хизмати органи ўтказган текшириш натижалари ҳамда тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузади, уни тасдиқлаш учун ННТ юқори органига тақдим этади.	Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач.
6-босқич	Тугатиш комиссияси	<p>1) Кредиторларнинг талаби эътироф этилгани ёки рад қилингани ҳақида уларни хабардор қилади.</p> <p>2) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандида кўрсатилган навбат бўйича кредиторларга пул суммаларини тўлайди.</p> <p>3) Ҳисоб-китоб қилиш учун маблаг етарли бўлмаса ННТ мол-мулкни сотишни ташкил этади.</p> <p>4) Ортиб қолган мол-мулкни белгиланган тартибда тасарруф этади.</p> <p>5) Тугатиш баланси лойиҳасини тузади, уни тасдиқлаш учун ННТ юқори органига киритади.</p> <p>6) Тугатиш балансини давлат солиқ хизмати органига топширади.</p> <p>7) ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ҳужжатнинг мавжудлиги юзасидан Суд департаменти ҳудудий бошқармасига сўровнома юборади.</p>	<p>1) Оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин 5 иш куни мобайнида.</p> <p>2-3) Оралиқ тугатиш баланси тасдиқланган кундан бошлаб.</p> <p>4) Кредиторлар талаби тўлиқ қондирилгандан сўнг.</p> <p>5) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандида кўрсатилган жараёнлар яқунлангандан сўнг.</p> <p>6-7) Тугатиш баланси тасдиқлангандан сўнг.</p>
7-босқич	Давлат солиқ хизмати органи	1) ННТнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги ҳақида тугатиш комиссиясига хулоса беради.	1) Тугатиш балансини қабул қилиб олгандан кейин 1 иш куни мобайнида.

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
	Суд департаменти худудий бошқармаси	2) ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ҳужжат иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида тугатиш комиссиясига ёзма жавоб беради.	2) Сўровномани олгандан сўнг 3 иш куни мобайнида.
8-босқич	Тугатиш комиссияси	ННТнинг асосий ҳисобварағи очилган банкка ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги ариза-топшириқнома билан мурожаат қилади.	Давлат солиқ хизмати органи хулосаси ва Суд департаменти худудий бошқармасининг ёзма жавоби олинган кунда.
9-босқич	Асосий ҳисобварақ очилган банк	ННТга тегишли бўлган ҳисобварақни ёпади ва тугатиш комиссиясига асосий ҳисобварақ ёпилгани тўғрисида хулоса беради.	Ариза-топшириқнома қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида.
10-босқич	Тугатиш комиссияси	ННТнинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмалари ёпилганлиги ҳақида тегишли адлия органларига хатлар юборади (агар мавжуд бўлса).	Асосий ҳисобварақ ёпилгандан кейин 3 иш куни мобайнида.
11-босқич	Алоҳида бўлинмани ҳисобга олган адлия органи	1) Юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма ёпилганлиги муносабати билан тегишли реестрга ёзув киритади. 2) Бу ҳақда тугатиш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилади.	1) Хатни олгандан сўнг 3 иш куни мобайнида 2) Реестрга ёзув киритилгандан сўнг 2 иш куни мобайнида
12-босқич	Тугатиш комиссияси	1) Бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни давлат архивига, муҳр ва штампларни эса ички ишлар органига топширади. 2) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга топширади.	1-2) Асосий ҳисобварақ ёпилгандан ёки юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма ёпилганлиги ҳамда юридик шахс ҳисобланган бўлинма тугатилганлиги ҳақида тегишли адлия органи хабарномалари олингандан кейин 3 иш куни мобайнида.
13-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	1) Давлат реестрига ННТ тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритади. 2) Бу ҳақда тугатиш комиссияси, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади. 3) ННТнинг лицензия ва рухсатномаларини (агар мавжуд бўлса) уларни берган органларга топширади.	1) Барча ҳужжатлар олингандан кейин 5 иш куни мобайнида. 2-3) Давлат реестрига тегишли ёзув киритилгандан кейин 2 иш куни мобайнида.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

### Нодавлат нотижорат ташкилотларини мажбурий тугатиш СХЕМАСИ

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Суд	Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 54-моддасига мувофиқ, рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.	ННТни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганда.
2-босқич	Тугатиш комиссияси	ННТни тугатиш тўғрисидаги суд қарорининг нусхасини рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этади.	Суднинг қарорини олган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида.
3-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига ННТнинг тугатиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги маълумотларни киритади ҳамда бу тўғрида ННТ давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати ва статистика органларини, шунингдек Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимини хабардор қилади.	ННТни тугатиш тўғрисидаги суд қарори нусхасини олгандан сўнг 2 иш куни мобайнида.
4-босқич	ННТ муассис (қатнашчи)лари ва раҳбар органи аъзолари  Тугатиш комиссияси	1) ННТ фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек ННТнинг муҳр ва птампларини ҳамда бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича тугатиш комиссиясига топширади. 2) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандида кўрсатилган тугатиш жараёни ишларини амалга оширишга киришади. 3) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандида кўрсатилган хизмат кўрсатувчи банкларга тугатиш ҳақидаги қарор нусхаси ҳамда тегишли ариза-топшириқномаларни жўнатади.	1) Суднинг қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб 3 иш куни мобайнида.  2) Суднинг қарори қонуний кучга кирган вақтдан эътиборан.  3) Суднинг қарори қонуний кучга киргандан сўнг 3 кун муддат мобайнида.
5-босқич	Хизмат кўрсатувчи банклар  Суд департаменти туман (шаҳар) бўлими	1) 2-сон картотека амал қилишини тўхтатадилар. 2) ННТнинг миллий ва хорижий валютадаги иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини, юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлималарнинг ҳисобварақларини ёпадилар ва улардаги қолдиқларни асосий ҳисобвараққа ўтказадилар. 3) Иш юритувида тугатилаётган ННТ қарздор сифатида иштирок этган ижро ҳужжатининг мавжудлигини аниқлаштиради. Тегишли ижро ҳужжати мавжуд бўлса, унинг бўйича ижро иши юритишни қонунда белгиланган тартибда тамомлайди ва тугатиш тартиботи доирасида ижро этиш учун тугатиш комиссиясига юборади.	1-2) Хизмат кўрсатувчи банклар хабардор қилинган санадан бошлаб 1 иш куни мобайнида.  3) Рўйхатдан ўтказувчи органнинг билдиришномаси олинган кундан кейин 10 кундан кечиктирмай.



Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
	Давлат солиқ хизмати органи	4) ННТ фаолиятини текширишга (тафтиш қилишга) киришади.	4) Рўйхатдан ўтказувчи органининг билдиришномаси олинган кундан бошлаб 3 иш куни мобайнида (тафтиш муддати 30 календарь кундан ошмайди).
6-босқич	Тугатиш комиссияси	1) Давлат солиқ хизмати органи ўтказган текшириш натижаси ҳамда тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралиқ тугатиш баланси лойиҳасини тузади ва уни келишиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга жўнатади. 2) Оралиқ тугатиш баланси лойиҳаси юзасидан бир ҳафта муддат мобайнида эътироз билдирилмаган тақдирда уни тасдиқлайди.	1) Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этилиши учун белгиланган муддат тугагач. 2) Рўйхатдан ўтказувчи орган лойиҳани қабул қилиб олган кундан эътиборан 1 ҳафтадан сўнг.
7-босқич	Тугатиш комиссияси	1) Кредиторларнинг талаби эътироф этилгани ёки рад қилингани ҳақида уларни хабардор қилади. 2) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 19-бандида кўрсатилган навбат бўйича кредиторларга пул суммаларини тўлайди. 3) Ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ етарли бўлмаса ННТ мол-мулкни сотишни ташкил этади. 4) Ортиб қолган мол-мулкни суд қарорида кўрсатилган йўналишларга сарфлайди. 5) Агар суд қарорида мол-мулк тақдири ҳал этилмаган бўлса, унинг тақдирини ҳал қилиш юзасидан судга ариза билан мурожаат қилади. 6) Тугатиш баланси лойиҳасини тузади ва уни келишиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга жўнатади.  7) Тугатиш баланси лойиҳаси юзасидан бир ҳафта муддатда эътироз билдирилмаган тақдирда уни тасдиқлайди. 8) Тугатиш балансини давлат солиқ хизмати органига топширади. 9) ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ҳужжатнинг мавжудлиги юзасидан Суд департаменти ҳудудий бошқармасига сўровнома юборади.	1) Оралиқ тугатиш баланси тасдиқлангандан кейин 5 иш куни мобайнида. 2-3) Оралиқ тугатиш баланси тасдиқланган кундан бошлаб. 4-5) Кредиторлар талаби тўлиқ қондирилгандан сўнг. 6) Кредиторлар талаби тўлиқ қондирилгандан сўнг 5 иш куни мобайнида Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандида кўрсатилган жараёнлар якунлангандан сўнг. 7) Рўйхатдан ўтказувчи орган лойиҳани қабул қилиб олган кундан бошлаб 1 ҳафтадан сўнг. 8-9) Тугатиш баланси тасдиқлангандан сўнг.
8-босқич	Давлат солиқ хизмати органи,  Суд департаменти ҳудудий бошқармаси	1) ННТнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзи йўқлиги ҳақида тугатиш комиссиясига хулоса беради. 2) ННТ қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ҳужжат иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақида тугатиш комиссиясига ёзма жавоб беради.	1) Тугатиш балансини қабул қилиб олгандан кейин 1 иш куни мобайнида. 2) Сўровнома олгандан сўнг 3 иш куни мобайнида.

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
9-босқич	Тугатиш комиссияси	ННТнинг асосий ҳисобварағи очилган банкка ҳисобварақни ёпиш тўғрисидаги ариза-топшириқнома билан мурожаат қилади.	Давлат солиқ хизмати органининг хулосаси ҳамда Суд департаменти худудий бошқармасининг ёзма жавоби олинган кунда.
10-босқич	Асосий ҳисобварақ очилган банк	ННТга тегишли бўлган ҳисобварақни ёпади ва тугатиш комиссиясига асосий ҳисобварақ ёпилгани тўғрисида хулоса беради.	Ариза-топшириқнома қабул қилинган кундан бошлаб 1 иш куни мобайнида.
11-босқич	Тугатиш комиссияси	ННТнинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинмалари ёпилганлиги ҳақида тегишли адлия органларига хатлар юборади (агар мавжуд бўлса).	Асосий ҳисобварақ ёпилгандан кейин 3 иш куни мобайнида.
12-босқич	Алоҳида бўлинмани ҳисобга олган адлия органи	1) Юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма ёпилганлиги муносабати билан тегишли реестрга ёзув киритади. 2) Бу ҳақда тугатиш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилади.	1) Хатни олгандан сўнг 3 иш куни мобайнида. 2) Реестрга ёзув киритилгандан сўнг 2 иш куни мобайнида.
13-босқич	Тугатиш комиссияси	1) Бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни давлат архивига, муҳр ва штампларни эса ички ишлар органига топширади. 2) Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 30-бандида кўрсатилган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказувчи органга топширади.	1-2) Асосий ҳисобварақ ёпилгандан ёки юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлинма ёпилганлиги ҳамда юридик шахс ҳисобланган бўлинма тугатилганлиги ҳақида тегишли адлия органи хабарномалари олингандан кейин 3 иш куни мобайнида.
14-босқич	Рўйхатдан ўтказувчи орган	1) Давлат реестрига ННТ тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритади. 2) Бу ҳақда тугатиш комиссияси, давлат солиқ хизмати ва статистика органларини хабардор қилади. 3) ННТнинг лицензия ва рухсатномаларини (агар мавжуд бўлса) уларни берган органларга топширади.	1) Барча ҳужжатлар олингандан кейин 5 иш куни мобайнида. 2-3) Давлат реестрига тегишли ёзув киритилгандан кейин 2 иш куни мобайнида.